

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

О.Алиев	
Ахборот хавфсизлигига доир тушунчалар тавсифи	190
К.Пулатов	
Совет даврида Ўзбекистонда тарғиботнинг ривожланишида даврий матбуотнинг ўрни(1953-1956 йиллар)	193
С.Назарова	
Ўзбек санъатини забт этган Қўқон булбули	197
Д.Тошпулатова	
Муаллиф онги ва тафаккурида буюк қадриятларнинг акс этиши	201
И.Жўраев, Ҳ.Жўраев	
Навобий ижодида маънавий-маиший таназзул ва ижтимоий инқироз ифодаси	204
А.Акбаров	
Абадиятга дахлдор можаро	207
Н.Соатова	
Бадиий тасвирда адибнинг эстетик қарашлари	210
Н.Холматова	
Эркин Аъзам адабий-эстетик қарашларининг шаклланиши	214
Д.Юлдашева	
“Алла” матни лингвофольклористиканинг ўрганиш объекти сифатида	218
Ш.Кахарова	
Ўзбек ва инглиз педагоглари мулоқот хулқида қўлланиладиган мурожаат шаклларининг қиёсий тадқиқи.....	220
Ш.Мўминов	
Янги ўзбекистонда раҳбарлик ва унга ёндош тушунчалар семантикасига доир	223
Н.Юлдошева	
Содда гап қолиплари воқеланишига таъсир қилувчи морфологик омиллар ҳақида.....	226
М.Хошимов	
Тилда «субъектив – модал баҳо» микроконцептини воқелантирувчи кириш гапли қўшма гапларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатлари	228
М.Ҳусайнова	
Касб-хунарга оид латифаларнинг прагматик хусусиятлари	236
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
Илмга бахшида умр	239
Библиография	242

УДК: 81.27+8.08+43(075.8)

КАСБ-ҲУНАРГА ОИД ЛАТИФАЛАРНИНГ ПРАГМАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
ПРАГМАТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ АНЕКДОТОВ
PRAGMATIC FEATURES OF PROFESSIONAL ANECDOTES

Хусайнова Маҳлиё Маъруфжон қизи¹

¹Хусайнова Маҳлиё Маъруфжон қизи

– Фағона давлат университети, «лингвистика: ўзбектили» йўналиши магистранти.

Аннотация

Мақолада латифаларнинг таснифларга бўлиниши ва мана шу таснифдан ўрин олган касб-ҳунарга оид бўлган латифалар прагматик жиҳатдан таҳлил қилинади. Шунингдек, латифаларни лингвокултурологик хусусиятларига эътибор қаратилади.

Аннотация

В статье анализируется разделение анекдотов на классификации и профессиональные анекдоты, входящие в эту классификацию. Также уделяется внимание лингвокультурологическим свойствам анекдотов.

Annotation

The article analyzes the division of anecdotes into classifications and the professional anecdotes included in this classification. Attention is also paid to the linguocultural properties of anecdotes.

Таянч сўз ва иборалар: латифа, пресуппозиция, пропозиция, концепт, лингвомаданий хусусият, таъмаъно.

Ключевые слова и выражения: анекдот, пресуппозиция, пропозиция, концепт, лингвокультурная особенность, смысловое значение.

Keys words and expressions: anecdote, presupposition, proposition, concept, linguocultural feature, semantic meaning.

Латифалар кўп асрлик тарихга эга бўлган ўзбек халқ оғзаки ижодининг кенг тарқалган бадиий жанрларидан бири сифатида асрлар оша яшаб, сайқал топиб келмоқда. Шу боис латифаларнинг лингвостилистик хусусиятларини замон талаблари асосида тадқиқ этиш миллий тилимизнинг барча лисоний қирраларига хос лингвостилистик хусусиятларини чуқур идрок қилишга имкон яратади.

Латифаларни турли мезонларга асосланиб таснифлаш мумкин. Латифалар комик мазмун яратилиши нуқтаи назаридан икки гуруҳга ажратилади: референсианал, лингвистик [1]. Референсианал латифалар матнида қандайдир вазиятнинг беъманилиги, унинг ривож тасаввуримизга мос келмаслиги акс топади. Латифада у ёки бу лисоний ходиса баён қилинар экан, бундай латифалар лингвистик латифа ҳисобланади.

Ўзбек комик дискурсида қуйидаги асосий мавзулар аниқланган:

1) Ижтимоий-сиёсий латифалар; 2) сиёсат (давлат тузуми); 3) ижтимоий-ҳаёт [2.289].

Ижтимоий ҳаётга оид латифалар доирасида касб-ҳунарга оид латифалар ҳам кўп сонни ташкил этади. Бунда асосан, тиббиёт тизимида: шифокорлар, ҳамширалар, таълим соҳасида: ўқитувчилар, талабалар, мактабдаги ҳолатлар ва йўл патрул хизмати ходимларининг ҳатти-ҳаракатлари натижасида ҳосил бўлган латифаларни учратишимиз мумкин.

Диний мавзуга оид бўлган латифалар эса жуда ҳам кам сонни ташкил этади. Бунга асосий сабаб, диний қадриятларнинг олий даражада эканлиги, ислом маданиятига хос турмуш тарзи устидан кулиш ва масхара қилиш ҳам гуноҳ, ҳам ҳурмацизлик ифодаси ҳисобланади.

Бир одам пулларини йўқотиб қўйиб, худога илтижо қилаётган экан: “Эй художон агар пулларимни топиб берсанг бутун умр фақат яхши савоб иш қиламан. У пулларимга бошқа ичмайман. Тинмай ибодат қиламан” – деб қўларини кўкка чўзиб йиғлаб турган экан, шунда бир чеккада пуллари ётганмиш. Шунда ҳалиги киши тезда кўз ёшларини артиб, “бўлди керакмас, топдим” дермиш...

Диний мавзуга оид ушбу латифада ҳаёт йўллари равон, ташвишсиз ўтаётганида худони ўйламай, бошига кулфат тушгандагина илтижо қиладиган кимсалар ҳаёти кулги остига олинган.

Турли касб вакиллари ҳақидаги латифалар касбий фаолиятнинг ҳар хил турларига хос хусусиятларни акс эттиради ҳамда матний майдонда алоҳида ўрин эгаллайди. Жумладан, шифокор концепти билан латифаларнинг кўп миқдори саломатлик инсонлар учун энг бебаҳо неъмат эканлиги, ана шу неъматни муҳофаза қилиш мана шу касб вакиллари қўлида эканлиги билан изоҳланади. Шифокорлар билан боғлиқ бўлган латифаларни кузатар эканмиз, мазкур касб вакилларининг ёзуви билан боғлиқ ҳолатлар кулгига сабаб бўлганлигининг гувоҳи бўламиз.

Врач қабулхонасида навбат кутаётган икки кампир суҳбати: Бири иккинчисига: дўхтирларнинг ёзувига тушуниб бўлмайди, дори олгани аптекага кирган эдим, аптекачи қиз ҳам ёзувни тушунмади. Иккинчиси: шуниси яхши-ку, мана мен дўхтир ёзиб берган ташхис қоғози билан бир неча бор автобусда текин юрдим, кинотетрга тушдим, ҳеч ким тушунмади. Энди чет давлатга неварамни кўргани бормоқчиман, шу ҳужжат билан самалётга билет олмақчиман.

Ҳозирги кунда турли хил гиёҳлар билан даволашни касб қилиб олган айрим „табиб“лар пул туфайли ҳамма нарсага тайёр эканлиги, улар учун инсон саломатлиги кейинги даражада эканлиги замонавий латифаларда ўз аксини топади.

Табибдан бемор сўради:

- *Ўзи бу гиёҳ, дориларнинг фойдаси борми?*

Табиб: - Ҳа, албатта мана катта ўғлимга машина, кенжа ўғлимга уй олиб бердим...

Қуйидаги латифада ҳам худди шу каби ҳолатни кузатишимиз мумкин бўлади.

Бир сохта табиб одамларни томирини ушлаб, касалликни аниқлаб, дори ёзаркан. Бир кунги беморнинг чап қўлини ушлаб кўриб дори ёза бошласа, бемор табибга қараб:

- *Ўнг қўлимни текширсангиз, чап қўлим протез, - дер эмиш...*

Айрим латифалар ҳам борки, уларда латифа матни пропозиция (Яхлит мазмун заминда бирор бир воқелик фактининг номланиши[3.97]) орқали аниқ ифодаланмай,

гап прессупозицияси (Талаб қилинаётган лисоний фаолият ижросидан олдин имплицит назарда тутилган пропозициядир [4.123]) орқали англашилади.

Иккита хирург учрашиб қолиб, бири иккинчисига дебди:

- *Нега сиз беморларни чала даволаб, рухсат беряпсиз?*
- *Ия, эшитмадингизми? Ишим энди ярим ставка-ку!*

Юқоридаги латифада шифокор ўз иш ставкаси камайганлиги сабабли беморларни чала, яъни ярим ставкага мос ҳолатда даволасам ҳам бўлаверади деган маъно англашилади.

Бир қиз врач ёнига келиб:

- *Доктор, гўзаллик ҳам бир дард эмиш, шу гап ростми?*

Врач:

- *Хотиржам бўлаверинг. Сиз соппа-соғсиз.*

Мазкур латифа кўчим турларидан бири бўлмиш таг маъно асосига қурилган.Яъники, сиз соппа-соғсиз жумласи орқали сиз гўзал эмас ниҳоятда хунуксиз маъноси ифодаланган.

Таълим тизимида фаолият олиб боровчи ўқитувчи ва ўқувчилар, талабалар ва мактаб ҳаёти билан боғлиқ бўлган латифалар ҳам кўп сонни ташкил қилади. Бу соҳага оид латифаларни кузатар эканмиз, талаба бўлиш истагида юрган ёшлар қандайдир қинғир йўллари излаши, таълим соҳасидаги коррупсион ҳолатлар кулги остига олинганлигининг гувоҳи бўламиз.

Мактабни кўк дипломга битириб, коллежни ҳам кўк дипломга тамомладим. Энди институтга ҳам “кўк” билан кираман...

Менинг укам пул топишининг йўлини катталардан яхшироқ билади. “Мактабда олган ҳар бир “5” баҳосига дадам ўм минг сўмдан берадилар. Ўша ўн мимг сўмдан беш минг сўмини устозига берса, устози яна “5”баҳо қўйиб беради. Қарабсизки, укамга ўз-ўзидан пул келиб тураверади-да!...

Ўғлини мактабга жойлаштириш учун келган отага мактаб директори”

- *Бизга қандай моддий ёрдам кўрсата оласиз?-дебди.*

Ота: - Бепул прокуратура текширувини ўтказиб бера оламан,-дебди.

Шунингдек, олий ўқув юртларига киришда яширин равишда телефондан фойдаланиш ҳолатлари ҳам кўплаб латифаларнинг пайдо бўлишига замин

яратган. Бу замонавий воқеликнинг афсусланарли ҳолатидир. Бундан ташқари олий таълим соҳасида дангаса талабаларнинг фанларни ўзлаштирмаслиги сабаб пул олди-берди масалаларининг юзага келиши, сессия муаммолари ҳам танқид остига олиниб, латифалар юзага келган.

Илм-у толиб пири комилдан сўрабдур:

- *Айтингчи устоз, нечун сессия йилига икки маротаба бўлур?*

Пири комил жавоб берибди:

- *Агар сессия йилда уч маротаба бўлса, у талабага оғирлик қиладир. Агар сессия йилда бир маротаба бўлса, бу домуллага оғирлик қилган бўларди...*

Бой оталардан бири ўғлини институтдаги имтихонларни топшириш учун ўқитувчилар билан “келишиб” қўйибди.

- *Ўғлимни билими сал пастроқ. Сиздан илтимос, осонроқ савол берсангиз...*

Ўқитувчи рози бўлибди ва имтихон бошланибди. Навбат бойнинг ўғлига келибди.

- *Сизга осон савол бераман. Абдулла Ориповнинг “Ўзбекистон” шеърини ким ёзган? - дебди ўқитувчи.*

Ҳалиги йигит ўйланиб туриб:

- *Шукур Бурхонов, - дермиш.*

География дарсида ўқитувчиси Афандининг жавобидан қониқмай:

– Кўриниб турибдики, уй вазифасини бажармабсан, география фанидан берилган топшириқни яхши ўқимай келибсан, – дебди.

– Кеча дадам, юз бераётган ҳодисалар яқинда дунё харитасини ўзгартириб юборади, деган эди. Мен шошилмай, шуни кутиб туришни лозим топдим, – жавоб берибди Афанди.

Латифа матнида ишлатилган дарс, уй вазифаси, топшириқ, дунё харитаси каби сўз ва бирикмалар ўқитувчи касбига хос тил бирликларидан ҳисобланади. Бу латифада кулгили вазият юзага келишида Афанди тилидан айтилган касб-ҳунарга хос бирликлар иштирок этган “юз бераётган ҳодисалар дунё харитасини ўзгартириб юборади” жумласининг маъноси кўчирилиб, матнга енгил юмористик руҳ бахш этишда асосий вазифани бажарган. Демак, баъзан илмий атамалар латифа матнида эмоционал-экспрессив бўёқдорлик хусусиятига эга бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, латифалар турли хил касб вакиллари фаолиятининг кўп қиррали жиҳатларини очиб бериш, ахлоқий муносабатлар ва лингвокултурологик хусусиятларни тасвирлашга хизмат қилувчи омиллардан биридир.

Адабиётлар:

1. Белова Н.А. Литературный анекдот в русской прозе и периодике первой трети XIX. Нижневартковск: Изд-во Нижневарт. Гуманит.ун-та.2008.
2. Рустамов И.Т. Латифаларнинг прагматис хусусиятлари. ОъзМУ хабарлари.Н 1/1 2017.
3. Сафаров Ш. Прагмалингвистика.Монография. –Т., – 2008.
4. Афанди латифалари ВЕБСПЕКТР интернет иловаси.
5. Латифа.уз интернет иловаси.